



ИШОНЧ

40

1993
ИИЛ
2—8
ОКТАБРЬ
(133)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

Хабарлар мағзи



● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти Ислам Каримов Нью-Йоркда бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 48-сессиясида иштирок этди ва унда нутқ сўзлади.

● **ХАЛҚАРО** қариялар куни байрами муносабати билан мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон Республикасининг кекса фуқароларига табрикнома йўллади.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ Зиёд Исломович Есенбоев Ўзбекистон Республикаси матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғарма бошқарувининг раиси этиб тайинланди.

● **ХАРБИЙ** ва муқобил хизматининг белгиланган муддатларини ўтаган шахсларни қуролли қучлар, чегара ва ички қўшинлар сафидан бўшатиш ва фуқароларни навбатдаги ҳарбий ва муқобил хизматга чақиритиш тўғрисида Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Ешлар иттифоқининг шаҳар қўмиталари томонидан «Мохир ҳамшира — 93» кўрик танлови ўтказилди. Ғолибларга пул мукофотлари ва саёхатларга йўланмалар топширилди.

● **РЕСПУБЛИКАМИЗ** далаларида пахта йиғим-терими кундан-кунга авж олиб бормоқда. Йиллик режани уч фоздан ошириб «оқ олтин» топшираётган Хоразм вилояти пахтакорлари пешқадамлик қилмоқдалар.

● **БУХОРОДА** янги ташкил этилган телестудия ўзининг дастлабки кўрсатувларини бошлади. Кўрсатув дастуридан Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигининг байрам қилиниши тантаналари ҳам ўрин олди.

«ИШОНЧ»ГА ОБУНА БОШЛАНДИ

ХУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР,
КАСАБА УЮШМАСИ
ФАОЛЛАРИ!

1 октябрдан «Ишонч» газетасига 1994 ЙИЛ учун обуна бошланди.

● Якка тартибдаги обуначилар учун бир йилга 3288 сўм (нашр кўрсаткичи 64560);

● Корхона ва муассасалар учун бир йилга 4140 сўм (нашр кўрсаткичи 64561) қилиб белгиланди.

Обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда.



Ҳозирги қулай об-ҳаволи кунларда теримчилар учун ҳар соат ҳам ғанимат саналади. Чаноқлардан қанчалик кўп пахта териб олинса хирмонга шунча кўп барака киритилади. Бунга яхши тушунган Тошкент вилояти Окқўрғон туманидаги А. Икромов номли жамоа хўжалигининг чакқон ва чевар теримчилари Бахтигул Пар-

дабоева билан Лайло Шайзановалар терим суръатини тобора кучайтириб кунига ҳар бири хирмонга 100—120 килограммдан «оқ олтин» тўкмоқлар.

Суратда: Б. Пардабоева ва Л. Шайзановалар.
Даврон АХМАД олган сурат.

ХОРАЗМГА НУР ЁҒМОҚДА

ДЕЙДИ ВИЛОЯТНИНГ КЕКСА ДЕҲҚОНЛАРИ

ХОРАЗМ вилоятида кейинги уч йилда қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи — пахтачилик соҳасида йиллик план — топшириқлар бажарилмасдан қолгани. Унинг маълум сабаблари бор, албатта. Кўпроқ табиат қийинчиликлари мўл ҳосил етиштиришга ҳалал берди.

Амалдаги йилда вилоят пахтакорлари ишга жадал киришдилар, ўтган йиллардаги қолоқликни ювиш учун кураш бошладилар. Табиат ҳам Хоразм деҳқонига қарашворди, десак янглишмаймиз. Чунки эрта баҳордан бошлаб дала-деҳқончилик ишлари бир маромда олиб борилади. Иссиқлик, сув ҳам етарли бўлди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда вилоятнинг деярли барча хўжаликлариде юқори ҳосил тўпланди.

Пахта йиғим-теримини ташкил қилиш ишларига ҳам бу йил ўзгаришлар киритилди. Биринчи навбатда машинада пахта териш учун гўзаларнинг баргини сунъий тўктириш муддатлари ўзгартирилди. Илгарилари гўза тўпининг учидаги кўсақлари пишмасдан, зарур миқдорда очилмасдан бу иш бошлаб юбориларди. Натижада анча ҳосил йўқотиларди. Бу йил мутахассисларга шу юзадан қаттиқ топшириқ берилди. Бўл-бўлларга йўл қўйилмади. Кўсаги пишиб етилган далаларда гўза баргини сунъий тўктириш 19—20 сентябрдан бошланди. Одамлар эса қараб ўтирмадилар. Қўл терими жадал бошлаб юборилди. Йиғим-терим ишлари Дўстлик, Гурлан, Янгиариқ туманларида айниқса жадал бормоқда. Бугунгача вилоят бўйича онлави пудрат асосида ишлаётган 200 дан зиёд звено, 10 га яқин бригада пахта тайёрлаш йиллик топширигини адо этди. Марра манзили томон ўнлаб хўжаликлар бирин-кетин яқинлашмоқдалар.

— Вилоятимиз пахтакорлари, қўйинчи бутун аҳолиси десам ҳам хато бўлмайди, пахта ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, шу кунларда йиғим-терим ишларини уюшқоқлик билан олиб бориш заруриятини тушуниб етиш-

ган. Шу боис йиғим-терим юқори суръатларда бораёпти, — дейди деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси вилоят қўмитаси раиси Қ. Давлатов. — Бу эса йиғим-теримда юксак тартиб-интизом, уюшқоқликни таъминлаётди. Вилоят қасаба уюшма ташкилотлари ҳам ҳозир бутун иш фаолиятини пахта даласига кўчиришган. Пахтакорлар, механизаторлар, ҳашарчиларнинг юқори унум билан ишлаши учун барча ишлар қилинмоқда. Барча бригадаларда иссиқ овқат, кўнгилли ҳордиқ, чиқариш йўлга қўйилган. Қасаба уюшма ташкилотлари меҳнат беллашувининг ўзига хос йўллари жорий этиб, пешқадамларни рағбатлантириб бораптилар. Йиғим-теримда иштирок этаётган меҳнаткашларнинг иш ҳақлари ҳар беш кунда бериб боришмоқда. Хизмат кўрсатиш тармоқлари ҳам дала бошига кўчирилган.

Бугун менда фалон хўжалик ёки фалон бригада, фалон механизатор, фалон теримчи йиғим-теримда юқори натижаларга эришяпти деб таъкидлаш истаги йўқ. Чунки улар юзлаб, минглаб сонларни ташкил этади. Бугун бутун Хоразм аҳолиси пахта йиғим-терими ташвиши, қувончи билан яшамоқда. Пахта плани тўлса, хўжаликларда, пахтакорларда пул кўп бўлади, шаҳарликнинг ҳам иши юришади, қурилишлар авж олади, юрт янада обод бўлиши табиий.

Яқинда кекса деҳқонлар даврасида бўлдим. Улардан бири бу йил Хоразмга нур ёғяпти, деди. Йилнинг яхши келгани, етиштирилган пахта ҳосили чўгининг баландлиги, элда яратувчилик қайфияти ошаётганлигини назарда тутиб айтганлигини дарадагилар тушуниб етдилар, албатта. Отаҳоннинг гапларига қўшилмасдан илож йўқ. Зеро, Хоразм пахтакорлари бу йил 60—70 йиллардаги машъал номини қайтадан тиклашга қатъий қазм этганлар. Бу ҳаракатни, шиддатни яратганининг ўзи қўллаб-қувватлаб, Хоразм қарвонига куч-ғайрат, барака бахш этмоқда.

Шихназар АҲМЕДОВ,
«Ишонч» мухбири.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

ДАВЛАТ муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари Андижон вилояти қасаба уюшмаси қўмитасининг навбатдаги мажлиси бозор иқтисодига ўтиш даврида қасаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш мавзусига бағишланди. Меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамоа шартномалари ва турли битимлар орқали уларнинг ижтимоий масалаларини ҳал қилиш қасаба уюшмалари бошланғич ташкилотлари, район, шаҳар вилоят қўмиталари, фаолиятида асосий ўрин эгалламоқ-

да. Мажлисада Давлат муассасалари ва жамоат ташкилотлари қасаба уюшмаси вилоят қўмитаси раиси Раиса Бекетова маъруза қилди.

Маъруза юзасидан музокараларда вилоят ички ишлар бошқармаси ёнғиндан сақлаш бўлими бошлиғи Қ. Холмирзаев қасаба уюшмаси қўмитаси раиси Х. Йўлдошев, вилоят жамғарма банки бошқаруви бошлиғи Х. Иброҳимова, Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари ва жа-

моат ташкилотлари қасаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси А. Мухаммаджоновлар сўзга чиқдилар.

Уларнинг сўзларида имкониятлар ва эҳтиёжлар таҳлил қилинди. Қасаба уюшмалари фаолиятининг янада такомиллаштириш учун нималар зарурлиги ҳақида фикр юритилди. Мажлисада айтилган фикрлар, аниқ далиллар таҳлилидан келиб чиқадиган вазифалар белгиланди ва тегишли қарор қабул қилди.

Мажлисада Андижон вилояти ҳокими муовини М. А. Алимов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

З. РҶЗИЕВА,
«Ишонч» мухбири.

— Ютуқларни кўпайтиряпмиз. — дейди Хоразм вилояти автомобил транспорти ходимлари касаба уюшма кўмиталари кенгаши раиси Олег Тренгевич Демчин.

— Ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар, нарх-наво ошаётган шароитда жамоаларда аҳвол қандай?

— Оғир кунларда азалдан одамлар кучларини бирлаштириб муваффақият

да бирлашган касаба уюшма кўмитаси билан яқиндан ҳамкорлик қиляпмиз. Барча автокорхоналарда маиший хизмат шохобчалари ташкил этилган. Тиббий хизмат йўлга қўйилган. Бирлашма билан 1-вилоят касалхонаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланган. Бу шартномага мувофиқ касалхона ходимлари бирлашмамиз бўлимларида тиббий кўриклар ўтказиб турадилар. Ходимлари-

оилалар аниқланди. 80 нафар оилага 5 минг сўмдан моддий ёрдам берилди. 20 қўй, битта бузоқ бепул тарқатилди. Шунингдек, Хивадаги болалар уйига 50 минг сўм, оталиқдаги мактабга 30 минг сўм пул ёрдамга берилди. Яқинда бирлашмамиз ишчи-хизматчилари учун яна бир имтиёз яратилди. Ҳар бир ишловчига кунига 200 сўмдан тушлик овқат пули тарқатиланти.

— Бирлашмангиз бир қатор спорт мусобақаларининг ҳомийси ҳам бўлмакда...

— Ҳа, тўғри айтдингиз. Бирлашмамиз ўтган йили паҳлавон Маҳмуд хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро мусобақа ҳомийси бўлди. Амалдаги йилда эса Жалолиддин Мангуберди хотирасига бағишланган халқаро мусобақа ғолиби учун махсус соврин таъсис этди. Ат-Термизий хотирасига ўтказилган халқаро биринчиликда вилоят терма командасининг ҳомийси бўлди.

— Бирлашмангиз топшириқларни ошириб бажараётгани билан ҳали аҳолига хизмат кўрсатишда камчиликлар, муаммолар давом этмокда. Шундай эмасми?

— Галингиз тўғри. Ечимини қутаётган муаммолар, камчиликлар етарли. Биринчи навбатда автобуслар хизматини яхшилашимиз керак. Ҳозир автобуслар паркинни янгилари билан тўлдириаяпмиз. Такси учун 14 та енгил автомобилани Туркиядан олдик. Фурсатдан фойдаланиб шунга айтиш керакки, вилоятимизда пассажир транспорти троллейбуслар қатновини йўлга қўйиш вақти келди. Троллейбуслар автобусларга қараганда экологик жиҳатдан анча тоза ҳисобланади. Бирлашмамиз ҳозирнинг ўзида 2 троллейбус сотиб олиши мумкин. Лекин кучларни, маблағларни бирлаштирилсагина иш тез юради.

Хуллас, бирлашмамиз меҳнат аҳли мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшаверади.

Сухбатдош:
Шихназар АҲМЕДОВ.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИ КУЧАЙТИРИБ

қозониб келганлар. Ҳозир ҳам шундай бўляпти. Транспорт харажатлари ошиб бориши билан вилоятимизда юк ташиш ҳажми бироз камайди. Лекин биз юк ташиш ҳажмини зинҳор камайтирмадик. Қўшни Тошхувуз вилоятининг корхоналарига қарашли юкларни ташиб беряпмиз. Бунда уларнинг ёқилги-мойлаш материалларидан фойдаланаяпмиз. Умуман, ходимларимиз иқтисодий қийинчиликларни мардонавор меҳнат, ишбилармонлик билан енгмокдалар.

— Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари қандай ҳал қилинмокда?

— Бу соҳадаги ишларимиз чакки эмас. Айтмоқчи шу йил июнь ойида мамлакатимизнинг автомобил транспорти корпорацияси бошлиғи Л. Ахметов бошлиқ бир гуруҳ раҳбар ходимлар бирлашмамиз бўлимларида ходимларнинг ижтимоий ҳимояланишини ўрганиб кетдилар. Корпорациянинг ҳайъати мажлисидаги асосий масала ҳам шунга бағишланди. Унда ютуқ ва камчиликларимиз кўрсатиб берилди. Биз ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш-

мизни даволашда имтиёзлар яратиб берадилар. Худди шундай шартнома вилоят кардиология маркази билан ҳам тузилган.

Бундан ташқари бирлашмангиз ўз маблағи ҳисобига санаторий — соғломлаштириш базаси вужудга келтирилди. Шу йилнинг бошида 100 ўринли санаторий ишга туширилди. 150 ўринли болалар оромгоҳи ҳам ишляпти. Бу йил санаторий-профилакторийни ободонлаштириш ва зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун қўшимча равишда 20 миллион сўм пул ажратилди.

Қурилиш материаллари анча қимматлашганлигига қарамадан бирлашма ишчи-хизматчилар учун турар-жой биноларини бунёд этишга маблағ излаб топмокда. Амалдаги йилда 22 коттеж, ҳар бири 8 квартирали иккита турар-жой фойдаланишга топширилади.

Бирлашма кенгаши ва касаба уюшма кўмиталари раислари кенгашининг қўшма қарори билан тармоқ корхоналарида ишлаган ва меҳнат қилаётганлар ичидан кам таъминланган

хўжаликларимизнинг ярмидан кўпроғи сабзавот ва боғдорчиликка ихтисослаштирилганлиги инobatга олинади туфайли пайдо бўлди, — дейди суҳбатда унинг бошқарувчиси Ҳошимжон Мамадалиев.

Туман матлубот уюшмалари иттифоқи раҳбарларининг ишбилармонликлари натижасида бунёд этилган ва ўтган йилнинг август ойида иш бошлаган корхона қисқа вақт ичида оғизга тушди. Қоратоғ остонасида жойлашган Косонсой замида етиштири-

та ишланиб истеъмолчиларга етказиб берилди.

— Қишлоқ хўжалик давсуми ниҳоясига етгач, ишчи-хизматчилар бекор қолишар, — хавотирланиб сўрадик.

— Асло, — жавоб қайтарди ишлаб чиқариш бошлиғи Анваржон Йўлдошев. — Ҳар туршаги, олма қоқи, олча сингари мевалардан 150 тонна жамғардик. Улардан қиш бўйи шинни, шарбат тайёрлаймиз. Шунингдек, захирамиздаги қарам ва сабзилардан ҳам маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиряпмиз. Баҳор келиши ҳамон ўлкамиз нобототларини қайта ишлаб дармондори каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Хуллас, бизда иш тўхтовсиз давом этади.

Еш корхонада жамоа аъзоларига яратиб берилган шарт-шароит ҳавасингизни келтиради. 70 ўринли шинам ошхонада тайёрланаётган таомлар мазали. Дам олиш хоналари озода. Ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 25—32 минг сўмданга тўғри келяпти.

— Корхона истиқболи қандай?

Бу саволга бошқарувчи Ҳошимжон Мамадалиев жавоб қайтарди:

— Биринчи навбатда помидори қайласини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишимиз керак. Бу борада ҳозирги ишлари ниҳоясига етказилди. Эрта-индин Олмониядан ускуналар етиб келади. Шу йилнинг ўзида туманимиз хўжаликлари ва аҳолидан 300—400 тонна помидори қабул қилиб қайта ишлашга киришамиз. Бу эса корхона ишлаб чиқариш қувватини кескин оширади, қўшимча ишчи ўринларни вужудга келтиради. Натижада тобора танқислашиб бораётган помидори қайласи кўпайишига ҳисса қўшган бўламыз ҳамда йилга 3 миллион шартли банка маҳсулот тайёрлаш қувватини эгаллаган бўламиз.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» муҳбири.

ШУНДАЙ КОРХОНА БОР

нақа саноат тармоғи борлигидан беҳабар қолибман.

Наманган вилоятининг дам олиш зоналаридан ҳисобланган, табиат ардоғидаги бу туман боғ-роғлар маскани сифатида ном чиқарган. Қантак ўрикларининг доврўғи бир вақтлар Тошкенту Бухорогача етиб борган. Пахта яккахокимлиги йилларида қанчадан-қанча ўрикзорлар горат топмади, дейсиз. Намангандан туман марказига элтадиган йўл қирғоғидаги машҳур қанду асал мева берувчи камёб навли дарахтлар ҳам ана шу давр қурбони бўлди. Сўнгги йилларда юзага келган ижобий ўзгаришлар туфайли боғлар қайта тикланмокда, қисқариб бораётган пахта майдонлари ўрнини сабзавот пайкаллари, сархил мева кўчатлари эгалламокда.

— Корхонамиз маҳаллий шароитимизнинг ўзига хос хусусиятларини,

лаётган қишлоқ хўжалик ва боғдорчилик маҳсулотлари ҳисобига тайёрланган маҳсулот тури 24 хилга етди ва у республикамиз маркази билан бир қаторда қўшни вилоятлар аҳолисининг дастурхонини беэамокда.

Ҳозир айни пишиқчилик эмасми, ишчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Янги корхона очилишидан аҳоли наф кўрмокда. Негаки, вилоят марказига сотиш учун ташиб бориш овозагарчиликларидан, тайёрлов идоралари эшиги олдида навбат кутиб сарғайиш азобидан қутилишди. Қайта ишловчилар чекланмаган миқдорда мева-сабзавот қабул қилиб пулини тўлашяпти. Истеъмолчилардан ҳеч қанақа шикоят олингани йўқ, талаб ва сўровлар эса кун сайин ортиб бормокда. 1993 йилнинг ўтган 7 ойида бултургига нисбатан 5 баравардан кўпроқ ёки 25 миллион сўмлик маҳсулот қай-

АХБОРОТЛАР

«ИШОНЧ» МУХБИРЛАРИ
ХАБАР ҚИЛАДИЛАР:

ТУРК-ЎЗБЕК ЛИЦЕЙИ

Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгач, жуда кўп давлатлар билан алоқа боғламокда. Ешларимиз Туркия, Америка сингари буюк давлатларга бориб, таълим-тарбия олаётир. Яқинда Жиззах шаҳрида очилган Турк-Ўзбек лицейига Измир Университетини 1986 йилда битирган Муҳаммад Кижир ўғли директор этиб тайинланди. У ўзи билан Туркиядан етти нафар ўқитувчи ва 7 нафар тарбиячини бирга олиб келди. Лицейга Жиззах вилоятидан келган ёшлар «Тест» усули билан 6-синфни битирганлардан 50 нафар, 8-синфни битирганлардан 50 нафар ўғил болалар қабул қилинди.

— Талабалар лицейимизда бир йил давомида турк ва инглиз тилини ўрганишади, — дейди лицей раҳбари Муҳаммад Кижир ўғли. — Кейин ўрта таълим олишга киришади. 6-синфни битирганлар 6 йил, 8-синфни битирганлар 4 йил ўқийди. Сўнгра Туркия ёки Оврупа мамлакатларидаги Университетларга «Тест» синовлари орқали ўқишга кирилади. Лицей қошида ётоқхона, ошхона мавжуд. Бизнинг бу ерга келишимиздан мақсад Ўзбекистон — Туркия дўстлигини мустаҳкамлаш, болаларни билимдон кишилар қилиб етиштириш, уларнинг жаҳон юзини кўришини таъминлашдан иборат. Яхши ўқиган болалар Туркиядо бепул дам оладилар. Дарсларни Ўзбекистонда ва Туркиядо рўй бераётган янгиликлардан бошладик.

ФАРҒОНА КЎЧАЛАРИДА

ВИЛОЯТНИНГ «Фарғонатранс» бошқармаси Туркиянинг «Тафас» фирмаси билан ўзаро ҳамкорлик шартномаси тузишган эди. Шунга кўра яқинда туркиялик биродарлар фарғоналикларга 42 дона «Даган» маркали енгил такси машиналарини жўнатишди. Бу машиналарнинг 11 таси Фарғонада, яна шунчаси Қўқонда, 10 тадани эса Марғилон ва Тошлок йўлларида йўловчилар узоғини яқин қилмокда.

Бу машиналар 5 ўринли бўлиб, ёқилгини тежаб сарф қилади, яъни 100 чакиримга 8 литр бензин ишлади. У ҳам қулай, ҳам кўримлидир.

НАВОЙДА ТАНТАНАЛАР

НАВОЙИЙ кон-металлургия қорбинати ишга тушиши билан Навоий шаҳрига асос солинганлигининг 35 йиллиги тантанасига шу вилоятдангина эмас, балки Ўзбекистоннинг ҳамма томонларидан меҳмонлар қатнашишди. Фарход номли маданият саройида бўлган тантанали кеча корхона билан шаҳарнинг юбилейига бағишланди. Унда кон-металлургия қорбинатининг бош директори Н. И. Кучерский, Навоий шаҳар ҳокими Б. Ҳамдамов маъруза қилишди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. И. Возненко Президент Ислам Қаримовнинг корхона жамоасига йўллаган табрик хатини ўқиб эшиттирди. Навоий вилояти ҳокими А. А. Айдарқулоов, Самарқанд вилояти ҳокими П. М. Абдурахмонов, қорбинатнинг собиқ директорлари З. Зарапетян, А. А. Петров, Олмалик кон-металлургия қорбинатининг директори В. Сигедин, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг муовини Қ. М. Рафиқов, Бухоро, Нукус, Самарқанд шаҳарлари ҳокимлари табрик нутқи сўзладилар.

Юбилей тантаналари халқ сайлига уланиб кетди.



Тўрткўл нафақат Қорақалпоғистонда, балки Хоразм воҳасидаги энг биринчи замонавий услубда қурилган шаҳардир. Маълумки, Амударёнинг қуйи қисми Россия томонидан босиб олингандан сўнгра Чор ҳукуматига маҳаллий аҳолини тўла бошқариш ва назорат қилиш учун маъмурий марказ зарур эди. 1873 йил 13 августда рус аскарларидан иборат отряд Хонқа яқинидан Амударёнинг ўнг соҳилига ўтиб, Шўраҳон атрофидаги табиати гўзал, ери ҳосилдор жойни шаҳар қуриш учун танлади. Уша йил охирида шаҳарни бунёд этиш жадал суръатларда бошланиб, унга Петро-Александровск номи берилди... Утган 120 йил давомида шаҳар беқийс, асло таниб бўлмаг даражада ўзгарди, камол топди.

1940 йилгача Тўрткўл Қорақалпоғистоннинг пойтахти бўлиб турди. Ҳозир шаҳарда 45 мингдан ортиқроқ аҳоли истиқомат қилади. Бу йил шаҳарнинг 120 йиллигини маданий-тарихий байрам сифатида юксак савияда нишонлаш учун Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг ва Қорақалпоғистон республикаси Вазирлар Кенгашининг махсус қарорлари қабул қилинди. Шундай долзарб паллада, юбилейга тайёргарликлар олиб борилаётган пайтда мухбиримиз Тўрткўл тумани ҳоқими, Ўзбекистон халқ депутати Гани Нуриддинович Ҳожиёв билан учрашиб, суҳбатлашди.

— Байрамга тайёргарлик юзасидан шаҳримизда катта тадбирларни амалга оширмоқдамиз. 10 дан ортиқ катта ва кичик кўчалар қайта асфальтланди. Навоий номи, Ўзбекистон, Ҳамза номи маҳаллалар кўмиталари учун марказий бинолар қуриш ниҳоясига етмоқда. Улуғ Ватан уруши катнашчилари хотираси учун ўрнатилган иншоотни қайта таъмирлаш, «Боғёп», канал атрофини ободонлаштириш, маданият саройи қурилишини тугаллаш шаҳар марказини, Дехқон бозорини ва унинг атрофларини, 20 минг ўринли стадионни ва истироҳат ҳамда дам олиш боғини ободонлаштириш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

— Гани Нуриддинович, меҳнаткашларни ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш шу куннинг бош масаласидир. Бу борада ҳокимлик олиб бораётган ишлар ва унинг олдинги раҳбарият амалга оширган тадбирлардан қандай фарқи бор?

— Давлат органлари структурасининг такомиллаштирилиб, ҳокимлик лавозимлари таъсис этилиши уларга бир катор масалаларни ўзлари мустақил ҳал этиши учун ҳуқуқлар берилиши, албатта самарадорликни оширди. Ҳар бир ҳокимга ўзи бошқараётган ҳудудни ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатлардан ҳимоя қилишда катта вазифалар юклайди. Шу боис ҳокимликлар олиб бораётган ишлар олдинги тузум раҳбарлари фаолиятидан тубдан фарқ қилади. Кейинги йиллардаги иқтисодий тангликлар, менимча ҳар бир раҳбардан тадбиркорлик билан иш юритишни, меҳнаткашларнинг тинч ҳаёт кечиришларини таъминлаш, айниқса ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилаларни иложи борича ҳар томонлама ҳимоялашни тақозо қилмоқда. Бу бўйича ҳурматли Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг республика касабани уюшмалари раҳбарлари билан учрашувда сўзлаган нутқидаги аниқ кўрсатмалар биз учун дастуруламал бўлапти. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда туман меҳнаткашларини ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида катор тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Елғиз яшовчилар, кам таъминланган оилалар, етим-есирларга «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси ҳисобидан йилнинг ўтган даврида салкам 1 миллион сўм маблағ сарфланди. Бундан ташқари ҳар йили «Ғалаба» кунда фахрийлар билан «бир пиёла чой» устидаги учрашувлар, болалар кунига бағишланган рангбаранг тадбирлар анъана тусига кириб қолди. Шунингдек, байналминналчи жангчиларни хотирлаш кунлари, студент-ёшлар билан учрашувлар мунтазам ўтказиб турилмоқда.

Ҳозирги кунга қадар 14 мингдан зиёд оиллага 3907 гектар ер уй-жой қуриш ва кўшимча томорқа учун ажратиб берилди.

Республикаимиз Президенти Ислоҳ Абдиганиевич Каримов Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлида амалга ошириши лозим бўлган бешта асосий тамойиллардан бири қилиб қонуннинг тенглигини алоҳида кўрсатади. Дарҳақиқат қонун ҳамма учун тенг, унга амал қилиш шарт. Шунинг учун ҳам туманимизда меҳнаткашларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишга кенг эътибор берилиб, инсон ҳуқуқларини бузувчиларга қонуний жазолар белгиламоқда. Масалан, шу йил киз ўғирлаб, гаровга пул талаб қилганлиги учун 2 киши шаҳар марказидаги бозорда очик суд қилиниб, тегишли жазосини олди. Бундай тадбир албатта,

жиноятчиликнинг олдини олишга ва кескин қамайишига олиб келмоқда: Ана шундай амалий тадбирлар сабабли жиноятчилик ўтган йилга нисбатан 27 фоизга қамайди.

Ҳокимлик тизимининг афзаллик жиҳати яна шундаки, иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий, маънавий хўжалик соҳаларига онд барча масалалар бир жойдан ижро этилади, ечилади. Яъни, ҳоким ҳаммаси учун масъулиятни ўз зиммасига олади. Бу усул иш самарадорлигини оширади, ижро ва назорат механизмининг тўғри ва қатъий ҳал қилишга имконият яратди.



Биз ҳар бир корхона, ташкилот ва жамоа, давлат хўжаликлари ўз имкониятларини чамалаб кўриб, пенсиялар, ёрдам пуллари берилишини ҳам йўлга қўйдик.

— Ҳозирги мураккаб шароитда кенг меҳнаткашлар оммасини биринчи галда нималар кўпроқ безовта қилапти. Ушани бартараф этиш учун нима қилиш лозим деб ўйлайсиз?

— Республикаимиз барча аҳолиси каби меҳнаткашларимизни қаттиқ ташвишга солаётган нарсани — кўшни республикаларда юз бераётган нотинчликлардир. Айтишадик-ку ахир, «кўшнинг тинч — сен тинч» деб. Уша жойларда халқ чекаётган азоб-уқубатлар, гўдаклар йиғиси, албатта, халқимиз юрак-бағрини эзиб, ташвишга солмоқда. Республикаимизда тинчлик — оёйиштиликни сақлаш учун бутун куч-ғайратини сарфлаётган Президентимизга ҳамма чин дилдан олқиш айтмоқда.

Шунингдек, пулнинг кундан-кунга қадри сезилмай, барча моллар, айниқса қурилиш материалларининг, тақчилликлар турмушда кийинчиликлар туғдирмоқда. Ҳоким сифатида аввало, асосий диққат-эътиборни кўп миллатли туманимиз аҳоли тинчлигини сақлаш, уларнинг дўстлигини янада мустаҳкамлашга қаратмоқдамиз. Ҳар бир иш кунини тумандаги вазиятни ўрганиш, меъёрлаштирилган товарларнинг жойларда тарқатилиши боришини чуқур ўрганишдан бошлайман. Кенг халқ оммаси билан бўлган ҳар бир учрашувда мустақил Ўзбекистонимизда олиб борилаётган ижобий ишлар, ҳурматли Президентимизнинг тинчликсевар ички ва ташқи сиёсати, қабул қилаётган қатор фармонлари моҳияти юзасидан бафуржа гапириб бераман. Ўз навбатида туманимиз меҳнаткашларида Ўзбекистоннинг келажиги буюк давлатга айланадиган қатъий ишонч туғилмоқда.

— Маълумки, меҳнаткашларнинг фаровон турмуш кечиришлари, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашнинг асоси — мўл ва сифатли маҳсулотлар етиштиришга, кўпроқ даромад олишга боғлиқ.

— Жуда тўғри. Бугунги кунда ҳар бир хўжалик, корхона ва ташкилот

раҳбари, қолаверса, ҳар бир киши бозор иқтисодига мослашиши керак. Оладиган даромадини аниқ ҳисоб-китоб қиладиган иқтисодчи бўлиши лозим. Чунки нархлар беқарор. Шу жиҳатдан республика раҳбарияти томонидан бозор иқтисодига ўтилаётган бир шароитда кишлоқларни янада ривожлантириш, халқнинг турмуш кечиришини яхшилаш, маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш чоралари белгиламоқда. Дехқонлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар харид нархларини ошириш қайта кўриб чиқилмоқда.

АМУ СОҲИЛИДА ҚЎШ БАЙРАМ

Президентимизнинг 15 фоиз пахта маҳсулотини эркин нархларда сотиш ҳақидаги фармони белгиланган режаларни бажариш қанчалик зарур эканлигини ўтган кишлоқ хўжалик йилида пахта тайёрлаш режасини бажарган хўжаликлар янада чуқурроқ ҳис қилдилар. Чунки бу хўжаликларда 15 фоиз пахта толасини эркин нархларда сотиш ҳисобига қолган 85 фоиз пахтадан ҳам кўпроқ даромад олиш имконияти бўлди. Режани бажармаган хўжаликлар режани 90 фоиз удалаган тақдирда ҳам ярим даромаддан қолиб кетдилар. Шунинг учун ҳам барча хўжалик пахтакорлари ўтган кишлоқ хўжалик йилида рўй берган камчиликларни бу йил асло такрорламаслик учун изчил иш олиб борди. Ҳозирги кунда пахта йиғим-терими уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Агар бу йил туманимизда 40 минг тонна пахта тайёрлашга эришсак, ундан 12900 тонна тола олиш мумкин. Унинг 20 фоизи ёки 2580 тоннаси хўжаликлар томонидан эркин нархларда сотилса, 2 миллиард сўм даромад олиш кутилмоқда.

Кишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам маҳсулот етиштириш бўйича белгиланган режаларни ортиги билан бажаришнинг барча чора ва тадбирлари кўрилмоқда.

— Тўрткўл туманида кўп миллат вакиллари яшайди, шундай экан, дўстликни, қардошлиқни мустаҳкамлаш, аҳилликка эришиш жуда муҳимдир. Шундай эмасми?

— Дўстликка, тотувликка, аҳилликка нима етсин. Ҳозир туманимизда 20 дан ортиқ миллат вакиллари тинч-тотув меҳнат қилаётганлиги ҳам бизнинг бахтимиздир. Туманимизда кўшнинг республика, вилоят, шаҳарлар ва туманлар билан маданий, дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш учун ҳаракатларни кучайтириб юборилган. Кўшнинг Туркманiston мамлакатининг Чоршанги, Фароб, Чоржўй, Хоразм вилоятининг Хонқа, Хазорасп туманлари, Хива ва Дўржаб шаҳарлари билан анча йиллардан бери маданий алоқалар қилиб келинаёпти. Амалдаги йилда эса Туркманistonнинг Лебоб вилояти, Газачак, Дарғонота туман-

лари маданият ходимлари билан алоқалар йўлга қўйилди.

Президентимиз ташаббуси билан миллий кадриятларимиз, «Наврўз» байрамининг, Рўза ва Қурбон ҳайитининг қайта тикланиши халқимиз орасида меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат-иззат туйғусини мустаҳкамламоқда. Туманимиз кишлоқлари ва шаҳримизда ўтказилаётган тўю маросимлар бунинг яққол мисолидир. Масалан, ўтган йили 1500 га яқин никоҳ тўйлари ўтказилган бўлса, 1993 йилнинг ўтган даврида никоҳ тўйларининг сони 650 дан ошиб кетди. Бу тўйлар барча миллат вакиллари бир-бирлари билан янада дўстлиги, яқин қардошлиги ришталарини маҳкамлашга хизмат қилмоқда.

— Республикаимиз Президенти И. А. Каримов касабани уюшмалари фаоллари билан бўлган учрашувда боқимандаликни тугатиб, кўшма корхоналар ва ёрдамчи хўжаликларни кўллаб вуждага келтириш тўғрисида ибратли кўрсатмалар берди. Бу кўрсатмаларни Тўрткўлда амалга оширишнинг қандай истиқболлари бор?

— Албатта бундай корхоналар сув билан хаводек зарур. Буни халқ истеъмоли молларига бўлган талаб тақозо этмоқда. Республикаимиз яқин йилларга қадар хом ашё базаси эди. Қайта ишловчи корхоналарни ўзимизнинг маблағ ҳисобига қуриш имконияти кам. Шу боис кўшма корхоналарни нафақат туманимизда, бошқа вилоят ва шаҳарларда қурилаётгани бизга фойдадан бошқа нарса эмас. Биз ҳам ўз навбатида тадбиркорлик фаолиятини имкони борича кенг қулоқ ёйдирмоқдамиз. Иккита кўшма корхона, ўнлаб кичик корхоналар, кооперативлар, 65 дехқон ва фермер хўжаликлари ташкил қилинди. Тўрткўл тўқимачилик-тикувчилик бирлашмаси томонидан Новосибирск шаҳридан «СТП-180» типидagi станокларнинг олинishi бирлашмада янги хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан бирга 400 та эски станокни овулардаги жамоа хўжаликларига тақсимлаб бериши бир минг нафарга яқин аёл-қизларни иш билан таъминлаш имконини берди.

— Касаба уюшмалари ва ҳокимлик ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида ҳам билмоқчи эдик.

— Ҳозирги оғир иқтисодий танглик, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтилаётган бир даврда қайси бошқарув органи, жамоат ташкилоти бўлса ҳам унинг асосий вазифаси аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўлиб қолди. Касаба уюшмалари фаолиятига тўхтайдиган бўлсақ, уларнинг вазифаси битта — меҳнаткашлар манфаатлари ва ҳуқуқларини астойдил ҳимоя қилишдан иборатдир. Туман ҳокимлиги иложи борича халқ хўжалигини ривожлантириш, меҳнаткашларни ҳимоя қилиш юзасидан барча масалаларни ҳал этишда касаба уюшмалари фаолиятига таянган ҳолда иш олиб бораёпти. Ҳокимликнинг Маслаҳат кенгаши йиғилишлари касаба уюшмалари раҳбарлари иштирокида ўтказилади. Уларнинг иш фаолиятлари билан мунтазам равишда қизиқиб бораемиз. Бир сўз билан айтганда ҳокимлик ҳам, касаба уюшмалари ҳам аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга хизмат қилади. Шунинг учун уларнинг мақсадлари муштаракдир.

Туманда 8 та тармоқ касаба уюшмалари бўлиб, улар 30 мингга яқин меҳнаткашларни бирлаштирган. Бу катта куч. Ана шу ташкилотларнинг иш фаолиятини маълум мақсадга йўналтиришда ҳокимлик амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

— Ўз навбатида касаба уюшмалари ҳам меҳнаткашларнинг бозор иқтисодиётига ўтишдек қийин шароитда ҳокимиятга яқиндан кўмаклашаётгандир?

— Ҳа, албатта.

— Сермазмун суҳбатингиз учун ташаккур. Тўрткўлнинг 120 йиллик муборак тўйи муносиб ўтишига тилак дошмиз.

Суҳбатчи:
Абдурахмон ИСКАНДАРОВ,
«Ишонч»нинг Қорақалпоғистон
республикасидаги мухбири.



ланган.

«Наврўз»нинг давоми — «Меҳр-жон» байрамлар ичида энг каттаси бўлиб, у бир неча кун давомида Она заминга, меҳнаткаш деҳқонга таъзим сифатида нишонланган.

«Меҳржон» халк сайли тўғрисида ўтмиш донишмандларининг рисола-ларида маълумотлар келтирилган. Жумладан, Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» деб аталган нодир асаридекадимий Турон, Эрон, Рум ва Афғонистон халқлари томонидан кашф этилиб, турмушга сингдирилган урф-одатлари ҳақида бебаҳо маълумотлар берилди, уларни таҳлил этилди.

Халқларимиз қадимда «Наврўз»ни нафақат баҳорда ўтказганлар, балки унинг давоми сифатида кузда ҳам «Тиргон», яъни, «Рўзи тир» — «Меҳржон»ни (Хоразмда «Чируруч», Сўғдийларда «Ним Сарда» деб аталган) нишонлаганлар. Абу Райҳон Беруний-

«Сарчашмалари буюк аждодларимизнинг тафаккурлари ва муддаоларидан бошланадиган халқимизнинг маънавий қадриятлари иқтисодий ўзгартиришларимизнинг мустақкам пойдевори бўлиб хизмат қилади...»

...Бизнинг вазифамиз, авваламбор, мана шу маънавиятимиз сарчашмаларини ва бобоқолларимизнинг бой анъаналарини давом эттиришдир.

Ислом Каримов.

МУРУВВАТ

УМРИМНИНГ кўп қисми Бухоро ва унинг атрофидаги туманларда ўтди. Меҳржон байрами шаҳарларда бир хил, қишлоқларда яна бир хил удумлар билан ўтганини кўрганман. Бухоро дўппи бозоридаги узун раста (Тими Қаллапош) узунлиги 50 метр келса, эни 15 метрдан ошган бўлиб, ўртадан ўтган йўлакнинг икки томонида зар, кундал (ялтироқ мато) бахмал, шойи матолар, дўппилар осиб, намойиш қилинар эди. Ушбу тимда 40 га яқин дўппифуруш бўлса ҳар қайсиси Меҳржон кунларида ўз дўқонини яхши бўёқлар билан бўяб безатарди. Дўқонни райҳон, жамбил ва ҳар хил гул, кунгабоқар билан ясатишарди.

Дўқондорлар молларини арзон баҳода кам даромадли одамларга беминнат сотар эдилар. Агар бош кийими эскироқ етим бола ўтиб қолса, дарров дўппи ҳада этиларди. Деҳқонлар ҳам мева, сабзавотларини арзон нархда сотарди, гадоиларнинг тўрваси тўлиб кетар эди.

Бухорода 1928 йилларгача ҳунармандлар жамайти, отбоқар, хонадон хизматкорларининг жамайти ташкил қилинган ва ҳар қайсисининг сайланган оқсоқоли бўларди. Устахоналарда усталар бир-бирларига меҳр-саломни айтиш учун бир лаган чучвара ёки манти, ош олиб бориб берардилар. «Меҳржон»нинг иккинчи, учинчи кунлари ҳар бир жамаиятнинг «арвоҳипир» зиёфати ташкил этиларди. Масалан, темирчилар пири Довуд, мешкопларники Аббос пайғамбар, отбоқарлар пири Қамбар Ҳазратиалининг отбоқари ва ҳоказо. Тўқувчидан тортиб сартарошгача афсонавий бирон шахсни пир танлашар ва унинг арвоҳига бағишлаб маросим ўтказиш учун пул тўплашарди. Меҳр-шафқат ошига эса камбағаллар таклиф этилар, ҳатто лаган-лаган ош касал бўлиб уйда ётган кишиларга, етим-есирларнинг уйларига етказилиб, ҳолаҳвол сўраларди. Шаҳар кўчаларида янги-янги кийим кийганлар, болалар, кўёш таклид рангдор доира шакл тахтани ёғочга илиб ёки сариқ тола пахта осиб кўча-кўйни тўлдириб юрардилар. «Наврўз» Ой (Қамар) байрами бўлса «Меҳржон» Кўёш байрами «Шамс» саналарди. Кўёш ўз ранги билан табиатни беэзаб, олтин куз келганидан дарак берарди гўё.

Меҳржон байрами кунлари деҳқон далада ундирган маҳсулотларини сарамжонлар, чорвадор мол-жон озуқасини ғарамлашга киришарди. Ҳосилдан бўшаган ерларни шудгорлашарди. Мезон ойи пахта пишадиган ой. Пахта теришда навбатлашиш йўли билан ҳашар ташкил қилинарди.

Пахта ширкати, пилла ширкати, чорва ширкати ёки матлубот жамаиятининг дўқонларидаги тарозиларни текширувчи «эл мезанчилари» пайдо бўлишар, «мезон юлдузининг вакиллари» миз, кимки тарозидан уриб қолса Меҳр-муҳаббат, шафқат ва мурувватнинг душманидир», дердилар. Меҳржон байрамида кўлга тушганлар қаттиқ жазоланарди.

Бир сафар Қоракўл шаҳрида Ибрагим Бисиров деган дўқончининг сотган 10 қадоқ гуручи 8 қадоқ чиққанини аниқлайдилар. У ишдан ҳайдалади, сазойи қилинади. Демак, меҳр-шафқат кунларида бир киши иккинчисига хиёнат қилиши ноқоишдир.

Меҳржон байрами кунлари туркман, қозок, уруғлари кўп бўлган Олот туманида биров уйига кетишга кеч қолиб, бирор дарвозани қоқса, албатта уни меҳмонхонага жойлаштириб, оши-овқатини бериб иззат-икром бажо этиларди. Фақат эрталаб чой маҳалидагина у билан муфассал та-нишилар эди.

Меҳржон байрами ана шундай хайр-хосиятли эди.

Шодмон КАМОЛОВ,
Пенсионер.

ШУКРОНАЛИК БАЙРАМИ

ростлана бошланди, келажаги буюк давлатга умид боғланди.

Халқ байрамларининг тикланиши халқнинг кайфияти ва руҳиятини юксак маромда сақлаб туришга хизмат этувчи кўргазмали амалий воситадирки, буларнинг заминидекадимий инсонпарварлик туйғулари жамул-жамдир.

Мустақиллигимизнинг шукроналик байрами — «Меҳржон» истиклолнинг давоми сифатида юртимизга кириб келмоқда. Қадимда олтин кузнинг дебочаси — мезон ойда қарши олинган «Меҳржон» 1990 йилдан бошлаб диёримизнинг кўпгина вилоят ва туманларида қайта нишонлана бошланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги 1992 йилнинг апрель ойдан М. Горький номи маданият ва истироҳат боғини «Меҳржон» боғи деб аташга қарор қилди. Яхшиликнинг шарофатини қарангки, Тошкентнинг Чилонзор туманидаги каттагина маҳалла ҳам «Меҳржон» деб номланибди. Қолаверса, Ўзбекистон Давлат «Мерос» дастурида Меҳржон байрамини Наврўз каби нишонлаш алоҳида таъкид-

нинг юқорида тилга олинган асаридека эътиборчи «Кўёш ва Ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, «Наврўз» ва «Меҳржон» ҳам заминнинг икки кўзидир».

Баҳорда орзу ва ниятлар баён этилади. «Меҳржон» ана шу олижаноб режаларнинг ижросидир. Аллома икки мавсум байрами ҳақида ҳикоя қилар экан, баҳор билан кузда кун ва туннинг икки марта тенг келишини эсга солиди. Демак, «Наврўз» 21 мартдан 22 мартга ўтар кечаси нишонланса, «Меҳржон» 25 сентябрдан 26 сентябрга ўтар кечасидан бошланади.

Шарқнинг мутафаккирлари Рудакий ва Фирдавсий, Умар Хайём ва Хофиз, Жомий ва Навоийлар ижодида «Наврўз» мадҳ этилгани сингари «Меҳржон» тўғрисида ҳам ажойиб байтлар битилган. Жумладан, Рудакий ғазал ёзиб, шоҳга «Меҳржон» байрами яқинлашгани, бу байрам шоҳу гадо учун баравар эканлигини билдирган ва деҳқон хизматини улуғлаган.

Ота-боболаримиз «Меҳржон» кунларида дала ва боғларга, узум ва ко-вун сайлларига чиққанлар, қавм-қа-

риндошлар бир-бирларини йўқлаганлар, бир-бирларига эҳсонлар ато этганлар, қарияларга совға-саломлар олиб борганлар, озуқалар ғамлашга киришганлар, уй-жойларини қишга тайёрлаганлар, кабристонларни зиёрат этиб, хас-чўпдан тозалаб, нураган жойларни суваганлар. Аразлашганлар яраш-яраш қилишиб, гина-гудратни ўртадан кўтариб ташлаганлар. Ўтган авлод-аждодлар ёдга олинган. Бозорларда, сайлгоҳларда олтин куз неъматлари савдоси ташкил этилган, кўчқор ва бедана, хўроз уриш-тирганлар, полвонлар куч синашган, аскиябозликлар кизиган. Кун ва туннинг тенглиги маъносида ўша куни барча табақа ва мансабдаги кишиларнинг тенг эканлиги тарғиб этилади, подшо, вазирлар, амалдор шахслар оддий кийимларида халқ билан араллашиб, хушчақчақлик қилганлар.

Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, «Меҳржон» номи билан боғлиқ байрам ой номи билан мувофиқлаштирилган.

«Меҳржон» — Она заминнинг саховати, инсонга муруввати демак.

Муҳтарам миллатдошлар! Мана юртимизда яна бир айём, меҳр-шафқат байрами — «Меҳржон» қалбларимизга кириб келди. Келажаги буюк давлат — Ўзбекистон учун миллий илмий тафаккур анъаналари бизга бир неъмат ато қилинишидир. Келинг, қадим халқимизнинг мурувватли байрамини, турфа хил таназзулларга қасд-ма-қасд сидқидидан, кўнгил кенглигига яраша эъзозлайлик.

Халқнинг ўзлигини таниши йўлидаги бу тадбирни ўтказиш ишларида вилоятлар ва туманларнинг раҳбарлари бош-қош бўладилар, ўз имкониятларига қараб, байрамга чинакам халқ сайли қиёфасини бахш этадилар, деб умид билдирамыз.

Юртимизга марҳабо, «Меҳржон»!

Билал АМИНОВ,
Республика «Маҳалла» хайрия
жамғармаси қадриятлар
бўлимининг мудир.

Хайдар МУҲАММАД

МЕҲРЖОН

(Кўшиқ)

Минг йиллар наридан
Китоблар бағридан,
Асрлар қаъридан
Етиб келган байрамим —
Меҳржон! Меҳржон! Меҳржон!

Юртим бўйлаб кез энди,
Эл меҳрини сез энди,
Тахтинга чиқ, тез энди.
Унут бўлган байрамим —
Меҳржон! Меҳржон! Меҳржон!

Нурингни тўк бозорга,
Кўриб кўнгил ёзарга,
Йўл берма дил озорга.
Бахти қулган байрамим —
Меҳржон! Меҳржон! Меҳржон!

Узумлар ишқом-ишқом,
Олмаларга кўнгил ром,
Мўл ҳосилдан сўз калом.
Елдек елган байрамим —
Меҳржон! Меҳржон! Меҳржон!

Меҳр-саховат улаш,
Бахту садоқат улаш,
Сабру садоқат улаш.
Ақли тўлган байрамим —
Меҳржон! Меҳржон! Меҳржон!

ҚАРШИДА ҚОВУН САЙЛИ



ОЛТИН куз бошланиб, ҳавода энди-энди мезонлар уча бошлаган пайтда Қовун сайлини ўтказиш Қашқадарё вилояти соҳибкорлари учун анъанага айланиб қолган. Бу сайлда саховатли воҳа заминнинг жаннатий неъматлари гўё бутун борлигини ўз жозибасига тўлдириб юборгандек бўлади.

Бу йилги сайл Қарши шаҳрининг марказий майдонида ўтказилди. Қарийиб 1,5 чакирим узунликдаги муаззам майдон олтин куз неъматлари билан лик тўлди. Қовун-тарвузлар, сархил узумлар, анжир-ушафтолилар, турфа меваларнинг кўп-

лигидан кўз камашади: Машхур халқ селекциячиси, Нишон туманидаги «Пахтаобод» жамоа-ширкат хўжалигининг поллизчилик бригадаси бошлиғи Ҳаким ота Усмонов ширин-шакар қовун-тарвузларнинг ўнлаб қадимий навларини сайлга олиб келган эди. Шу билан бирга сайлда санаот маҳсулотлари, халқ хунармандчилиги буюмлари ҳам намойиш қилинди.

Қовун сайлида голиб деб топилган жамоаларга вилоят ҳокимлигининг маҳсул мукофотлари топширилди.

Муродилла КЕНГБОВ,
«Ишонч» муҳбири.
И. МУҲИДДИНОВ олган сурат.

ЕТИМ ЙИГИТНИНГ ХИРГОЙИСИ

Чимкентнинг Қорабулоқ қишлоғида яшовчи Зоидбек исмли йигитнинг дўкончасига кириб анча суҳбатлашиб қолдим. У болалик чоғларининг тирик етимликда қийинчилик билан ўтганини ҳикоя қилиб берди. Узи ҳокисор, дили шикасталиги гапларидан сезилиб турарди. Бир пайт денг, юраги тўлиб кетди шекилли, тузатаётган пойафзалнинг четларига миҳчаларни қатор қадаб болгача билан тўқиллатиб қоқар экан, сўзларини галати талаффуз этиб ҳазин оҳангда ҳиргойи қила бошлади:

— Одамларнинг ото-онолари бордур, ҳайвонларнинг ҳам ото-онолари бордур, во локин одамларнинг ҳайвонларга ўхшаган ото-онолари ҳам бордур.

Байт:

Туккан фарзандингни тирик етим
эتما,
Зағизғон куш каби асло ташлаб
кетма!



ИҒВОГАР

Бир иғвогар ўтганининг ҳам, кетганининг ҳам йўлини тўсиб, ҳол-жонига қўймай сўроққа тутаварар экан. Бир куни сўзга чапдаст таниш кишини тўхтабди-ю, нари-бери ҳол-аҳвол сўрашиб одатдагидек сўроқ қила бошлади:

— Ҳўш, йўл бўлсин, қаёқдан келяпсиз?

— Кун чиқардан келяпман,— дебди ҳазилкаш келаётган томонини кўрсатиб,— энди кунботарга кетяпман.

Иғвогар яна қитмирлик қилиб сўрабди:

— Ҳўш, айбга буюрмайсиз, кун чиқарга нима юмуш билан боргандингиз?

— Зарур иш билан боргандим, чарчаб келяпман...

— Ҳўш, айбга буюрмайсиз, кунботарга кетяпман дедингиз, қаерга борасиз?

— Уйимга бораман-да, қаёққа бўларди...

— Намунча эрта қайтдингиз?

— Чарчадим деяпман-ку, дам олмоқчиман...

— Ия, нима иш қилиб чарчадингиз, билсак бўладими?

— Бўлади!— дебди ҳазилкаш киши тажанаглашиб.— Тўғриси айтсам хафа бўлмайсизми?

— Айтинг, айтинг, тезроқ айтинг,— дебди иғвогар кўзларини бежо ўйнатиб,— бирор воқеа юз берган бўлса беҳабар қолмайлик-да...

— Яхши, хафа бўлмасангиз айтгай,— дебди ҳазилкаш дангалига,— сизни ўлди деб эшитиб жанозангизни ўқишга югуриб боргандим, ўша ёқдан чарчаб келяпман, уқдигизми!— у шундай дея тез жўнаб қолибди.

Иғвогар бу кутилмаган гапдан эсанкираб ҳазилкашнинг кетидан бақирди:

— Ҳўй! Менга ўлим тилама, мен ўлмайман! Сендақаларнинг ўнтасини ўлдираман! Шошмай тур сени, «кунчиқарга бориб, кунботарга кетяпман» деб қўшни масхара қилганингни тегишли жойга ёзаман, жазоингни оласан! Менинг хатларим сени илон бўлиб бўғади, билиб қўй.

Ҳазилкаш киши иғвогарнинг чинқирқ овозини эшитса ҳам, бепарвогина жилмайиб олға кетаверибди.

Байт:

Иғвогар пок дилга доғ солар доим,
Қора ниятидан сақла, Худойим!

МУВОЗАНАТ

Бир файласуфдан сўрашди:

— Дунёда яхшилар кўпми ёки ёмонларми?

— Қўшилиб кетган шакар билан тузни бир-бирдан ажратолмаганимиздек,— деди файласуф,— дунёда қанча яхши ва ёмон одам борлигини билиб бўлмайди. Аллоҳ ўзи барча мавжудотни бир хил мувозанатда сақлаб ёмонларни жазо билан даф этиб, яхшиларни ҳидоят билан шарафлаб туради.

Шеър:

Яхшиларнинг хислати мисли дарё,
Сахийлик химматидан обод дунё.
Ёмонларнинг иллоти элга аён,
Қилмишларин охири-аччик пушмон.

ЖАФО ЧЕКАМАН

Ёмон нафс айтар эмиш:

— Мен дунёнинг ҳамма мулк-бойлигини йиғиб эгалик қилолмаганимдан доим оч, гадо-ю телбаман! Ширин жой айтар эмиш:

— Мен насибадан ортиғи умрга завола эканини билганимдан, нуқул куйиб-пишиб мол-дунё тўплайдиган бандамга ачиниб жафо чекаман!

Байт:

Нафсни тиймоқ қийин токи кўз
тўймагунча,
Тўймас кўз тўймас асло тупроққа
тўлмагунча!



НАСИБА МЕЪЕРИ

Бир содда йигит доно кексадан сўради:

— Эй одил ота, бир ҳолатга ҳайронман. Менинг қари онам овқатни ҳам, сувни ҳам, нонни ҳам меъери билан еб-ичгин, куч-қувватингни ҳам меъери билан ишлатгин, ҳеч бир неъматни исроф қилмагин, деб насиҳат айтаверадилар. Шу ҳақ гапми?

— Онанг оқила аёл экан, ҳақ гапни айтибди,— деди доно кекса.— Билгинки, Аллоҳ таоло бандасини яратаётганда ҳар бирига умри билан ризқи-насибасини тенг берган. Кимки меъерни билмай, исроф қилиб ўлчаб берилган ризқи-рўзини тез тугатиб қўйса, умрига етмай қолиб, унга зору муштоқ бўлади. Онанг насиҳатида ана шу ҳикмат бор.

Байт:

Яшамокни неъмат деб бил,
меҳнатингни зийнат қил,
Насибангни ганимат бил,
ҳалолликни ҳикмат бил!



УСТАСИ ФАРАНГ

Меҳмонга келган устаси фаранг бир кимса ёмғир шаррос қуяётганда йўлга чиқди. Уни кузатаётган мезбонлардан бири меҳмонга ачиниб деди:

— Ёмғир қаттиқ ёғаяпти, ивиб кетасиз, бир оз сабр қилинг, тинсин, кейин борарсиз.


Туллак киши тиржайиб жавоб қилди:

— Ҳечқиси йўқ, сел ёғса ҳам мен томчиларни оралаб-оралаб манзилимга етиб оламан...

Байт:

Ҳийла-ю, тадбирга устаси фаранг,
Дум силкиб балиқдек кетишин
қаранг!

Тўлкин РАСУЛЕВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист.



АБАДИЙ ҚОШОНА


Машойхлар нақл қилиб: «Бу ёруғ оламда абадий нарса йўқ, ҳамма нарса яралади, яшайди ва охири йўқ бўлади» дейишган экан. Одамлар бундан ҳайрат-ҳаяжонга тушиб, бир до-нишманд ҳакимдан сўрашибди:

— Эй ақли доно ҳаким, айтинг-чи, биз яшаб турган оламда мангу қоладиган, биздан кейинги авлодларга ёдоғорлик бўладиган нарса йўқми? Донишманд бундай жавоб айтибди:

— Бу дунё — фоний, ўткинчи дунё, ҳеч нарса абадий эмас, лекин унда бир қошона борки абадул-абад яшайди. Бу қошонанинг пойдевори ҳам, девори ҳам, томи ҳам яхшиликдан, яхшиликдан, фақат яхшиликдан бунёд бўлган, уни ичи-бағри ҳаёт, одоб ва яшаш қонун-қоидалари билан тўлиб туради. Мангу бу қошонани ақл қалам билан яратган, номи — Китоб! Қайси авлод бу қошонага ихлос-эътиқод қўйиб ичига кирса, ақл-заковатига қувват, одоб-хулқига зийнат ва умрига ҳикмат топади.

Байт:

Одам аҳлига китоб — нуру аъло
нур,
Ҳар сатридан тергай ҳикмату дур.



ҚУЕШГА НИДО

Бир онанинг фарзандига меҳри зўрлигидан, ҳатто қуёшга рашки келиб бундай деган экан:

— Эй олов шамс! Фарзандимга меҳрим ҳароратини биласанми? У шу қадар кучлики, агар ёғду чақнаётган висолинга узоқ тикилиб туролсам эди, назаримда бу меҳрим аланга-оташининг қувватидан буғланиб кетардинг.

Байт:

Онанинг меҳри қуёш, меҳригисси
кутлуғ,
Оташининг қуввати Шамси оловдан
улуғ!

ЧИНОРНИНГ ҚАСОСИ

Бир кимсанинг ҳовлиси олдидаги хиёбонда азим чинор дарахти ям-яшил бўлиб, атрофга кўрку чирой бағишлаб, тоза ҳаво тараб салобатли ўсиб турарди. У галамис кимса чинорни кесиб ўтин қилмоқ, иморатбон ёғочларини пуллаб боймоқни мўлжаллади. Одамларга: «Бу дарахт ўзи қурди, шу сабаб кесдим», деган баҳонани рўқач қилиш ниятида тағига гоҳ мағзава, гоҳ керосинмой қуяверди, кўп ўтмай чинор қовжираб қуриди-қолди.

Галамис кимса аррани солиб, болтани уриб чинорни кесаётганда бир неча кўни-кўшилар тўпланишиб, маҳалла тобути эскириб синиб ётганини, чинорнинг бақувват ёғочларидан янги тобут ясашни маслаҳат қилишди.

Ё, алҳазар, тобут битган кун чинорни қуритиб кесган кимса тўсатдан юрак хуружи тутиб ўлди. Аср пайти унинг жасадини шу тобутга солиб кўмгани мазора олиб кетди-лар.

Байт:

Табиат онамиз, кўйганмиз ихлос,
Агар озор берсак, олади қасос!



ОЛИНГ ҚУДА, БЕРИНГ ҚУДА

Бир-икки тўй кўрган содда киши қудаларидан ноўрин даҳки еб дили оғриди, куюниб доно кексадан сўради:

— Киз олиб, қиз берган, ўғил уйлантирган, илдизи илдизига қўшилган қуда-қудагайлар кўпинча бир-бирлари билан аразлашиб, гина-ю кудурат қилиб юришади. Бунга нима сабаб бўлади, ота?

Доно кекса бундай жавоб берди:

— Қуда-қудагайчиликда, одатда борди-келди, олди-берди кўп бўлади. Бойи — борича, йўғи — ҳолича иш тутмай, «Мен сендан қоламанми» дея чираниб, «Олинг қуда, беринг қуда» қилишаверади-ю, орада бирларига камроқ, бирларига кўпроқ ўтиб қолади, халқ «мол аччиги — жон аччиги» деб бекор айтмаган-да, шундан гап қочиб гинахонлик бошланади, ўртага совуқчилик тушади. Ақл-тадбирли қуда-қудагайлар «Олинг қуда, беринг қуда»ни расамади билан, меъёрда қиладилар.

Байт:

Ҳисобли бу дунёда мол-дунёга
хирс қўйманг,
Етти ўлчаб бир кесинг, ортик
олманг, кўп берманг.



ЎЗБЕКИСТОН Республикаси халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Навоий вилояти халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси ҳамкорликда бозор иқтисодига ўтиш муносабати билан мазкур тармоқлар ходимларини ижтимоий ҳимоялашда касаба уюшмалари фаолиятини янада такомиллаштириш, маориф соҳасидаги айрим муаммолар бўйича давра суҳбати ўтказди.

Давра суҳбатида халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раисининг муовини Асқарали Султонов, Марказий Қўмита бўлим мудирлари Алфида Умарова,

Абдурашид Абдувоҳидов, касаба уюшмалари Навоий вилояти Кенгашининг раиси Светлана Махнёва, халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитасининг раиси Ҳасан Фахриддинов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Бахшилло Насриддинов, вилоят жамғарма банклари бошқармаси бошлиғи Раҳматилло Баҳромов, вилоят банклар бошқармаси бошлиғининг муовини Абдужаббор Аҳмедовлар қатнашдилар.

Улар давра суҳбатида иштирок этган педагоглар вакиллари-нинг кўплаб саволларига жавоб қайтардилар. Қуйида ана шу савол-жавобларнинг асосий мазмуни билан таништирамиз.

Навоий туманидаги 9-мактаб ўқитувчиси И. Раҳимов: — Кейинги йилларда ўқитувчилар сони кўпайиб, уларнинг дарс соатлари қисқариб бораёпти. Айрим мактабларда ўқитувчиларга атиги 14—12 соатдан дарс берилаяпти. Иқтисодий танглик даврида ана шундай оз дарсларга тўланадиган маош билан оила бокиш жуда қийин. Шундай экан, ўқитувчиларни 60 ёшдан эмас, балки 55 ёшдан пенсияга чиқаришнинг иложи йўқми?

Б. Насриддинов: — Мустақилликка эришиб кўкрагимизга шамол тегди. Энг асосий мақсадимиз ҳам шу эди. Аммо ҳар бир хайрли ишнинг қийинчиликлари бўлади. Биз ҳам ана шундай бир жараёнда яшаймиз. Бирок келажакдан умидимиз катта. Маориф соҳасида ҳам кўплаб муаммолар пайдо бўлган. Президентимиз бошчилигида ҳукуматимиз раҳбарлари бу қийинчиликларни бартараф этиш йўл-йўриқларини изляптилар. Ўз навбатида биз куйи табақа ходимлари ҳам тадбиркорлик, ишбилармонлик билан барча соҳалардаги каби маориф соҳасидаги бундай муаммоларни ҳал этиш учун оқилона изланишимиз керак...

Яна бир гапни алоҳида таъкидлаш керакки, ўқитувчи бир ставка дарсни ҳалол-покиза ўтиб бериши лозим. Унинг бир ярим-икки ставкадан дарс ўтишига йўл қўймаслик зарур. Ўқитувчининг кун бўйи машғулотлар олиб бориши ўқувчини билимсиз қилиб қўяди. Негаки, бундай пайтда педагог дарсларга юзаки тайёрланади...

Халқ таълими ходимлари касаба уюшмалари Қонимех район қўмитасининг раиси Қ. Жолдасев: — Ҳозирги пайтда ўқитувчиларимизнинг ҳар қайсиси медицина кўригидан ўтиши учун 500 сўмдан пул тўлаяпти. Шунинг энгиллатиш мумкин эмасми?

А. Умарова: — Ҳозир кўп жойларда медицина кўригидан ўтиш ўқитувчилар учун бепул қилинган. Умуман, маорифчиларнинг тиббиёт кўригидан бепул ўтишини таъминлаш масаласини ҳал этиш соғлиқни сақлаш вазирлиги олди-га қўйилган. Бу муаммо яқин кунларда ҳал бўлади.

Қ. Жолдасев: — Президентимиз Фармонида асосан ҳар бир ўқи-

увчи оиласи агар табиий газдан фойдаланмаётган бўлса, ойига бир баллон суюлтирилган газ билан таъминлаш зарур. Аммо районимиз педагоглари бу имтиёздан фойдаланмаяптилар.

А. Умарова: — Ҳозирги пайтда суюлтирилган газни тўлиқ етказиб

давлатдан қарз олиш бўйича қандай имтиёзларга эга?

А. Аҳмедов: — Йигирма фоиз солиқ солиб қолиш шарти билан ўқитувчиларга давлат томонидан 500 минг сўмгача узоқ муддатли қарз берилиши мумкин. Бунда хужжатлар тўғри расмийлашти-

килотлар олдида қўйдик. Талабаларга ётоқ учун ойига 350 сўмдан пул тўлаш маъқул деб топилди. Мазкур муаммо яқин кунларда узил-кесил ҳал этилади.

Қонимех туманидаги 21-интернат-мактаб ўқитувчиси А. Исаев: — Ўқитувчиларга қишда уйлари-ни иситиш учун йилига бир тоннадан зиёд кўмир берилмайдими?

А. Умарова: — Президент фармонида биноан маориф ходимлари ҳар бир иситиш печи учун йилига бир тонна кўмир билан таъминланиши керак. Мабодо кўмир етмай қолса, кўмир олиш учун товон пули тўланиши лозим.

Ўқитувчи К. Хидиров: — Бизнинг мактабда бир неча педагогнинг уйлари турмуш ўртоғи ёки отаси номида экан, бу педагоглар имтиёзлардан фойдалана оладими?

А. Умарова: — Ҳа, уй-жой шу оила аъзоларининг бирининг номига расмийлаштирилганига қарамай, бу ўқитувчилар педагогларга берилган имтиёзлардан фойдаланишга ҳақлидирлар.

Ўқитувчи Б. Жўраев: — Физика ўқитувчиси политехника институтини тугатган. 5 йилдан бери мактабда ишлабди. Шу ўқитувчига категория бериладими йўқми?

А. Умарова: — Бу ўқитувчи малака ошириш институтида ўз мутахассислиги бўйича ўқиган ҳолда аттестациядан ўтиши лозим. Шундагина категория берилиши мумкин.

Суҳбатни **Р. ХУДОЙҚУЛОВ** ёзиб олди.

ОШКОРА МУЛОҚОТ

беришда жиддий қийинчиликлар туғилаёпти. Шу муносабат билан бу нарса ҳали кўнгилдагидек ҳал этилмаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу муаммо ҳам тез орада ечилиши аниқ.

Навоий туманидаги 11-мактаб касаба уюшмаси қўмитаси раиси А. Бобоева: — Мактабдаги тест синовидан ўтолмаган юқори синф ўқувчилари бекор юришибди. Уларни мактабга жалб этиш мумкинми?

Б. Насриддинов: — Ҳозирча тест синовидан ўтолмаган ўқувчилар ҳам мактабда ўқишни давом эттирадирлар. Улар алоҳида ўқитилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси Томди тумани қўмитаси раиси Ж. Жуматаев: — Касаба уюшмаси ҳисобига тушган пулларни жамғарма банкларидан олиш қийин бўлаяпти...

Р. Баҳромов: — Навоий вилояти тугатилиши муносабати билан кўпгина жорий ҳисоблар ёпилган эди. Бу эндиликда қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ана шундай касаба уюшмалари жамғарма банкдан жорий ҳисоб очишлари керак. Шу билан бир каторда хужжат юритишга ҳам алоҳида аҳамият бериш зарур. Лойиҳада белгиланган пулни олишга ҳеч ким қаршилиқ қила олмайди.

Ж. Жуматаев: — Ўқитувчилар

рилиши керак. Масалан, уй қурмоқчи бўлсангиз унинг лойиҳаси тузилиб, шунга асосан қарз берилади.

Халқ таълими ходимлари касаба уюшмалари Навбахор тумани қўмитаси раиси И. Хидиров: — Ўқитувчилар ёши пенсия ёшига етмасдан пенсияга чиқиши мумкинми?

А. Абдувоҳидов: — Пенсия тўғрисидаги янги қонун лойиҳасига кўра 25 йиллик меҳнат стажига эга бўлган ўқитувчи пенсияга чиқиши мумкин.

И. Хидиров: — Ўқитувчининг бирон қариндоши дунёдан ўтса, одатда унга газета орқали ҳамдардлик — таъзия билдирилади. Ана шунга пулни ким тўлаши керак?

А. Абдувоҳидов: — Таъзия учун пул касаба уюшмаси моддий ёрдам фондидан ёки маъмурият томонидан давлат ижтимоий сургуртаси ҳисобидан тўланади.

Тошкент давлат техника дорилфунуни Навоий филиали касаба уюшмаси қўмитаси раиси Баҳодир Собиров, Навоий давлат муаллимлар олийгоҳи касаба уюшмаси қўмитаси раиси Нурмурод Хўжақулов: — Бизнинг олийгоҳларимизда талабаларга ойига 10 сўмдан ётоқ пули тўланаёпти. Шу тўғрими?

А. Султонов: — Бу тўғрида кўп жойда гап бўлаяпти. Биз ҳам бу масалани ҳал этишни юқори таш-

Оилада 6 жонмиз, дадам ишламайдилар, онам нафақа оладилар, укаларимга тўланадиган нафақани қаердан олишимиз мумкин?

Г. НАРЗУЛЛАЕВА,
Қашқадарё вилояти Косон шаҳри.

Онангиз кексалик пенсиясини олаётган бўлса-

лар, вояга етмаган болалари учун онангизнинг пенсияларига қўшимча берилади. Мабодо III гуруҳ ногиронлик пенсиясини олаётган бўлсалар, юқорида айтиб ўтилган қўшимча тайинланмайди.

1993 йил 25 январда 60 ёшга тўлдим. 46 йил иш стажига эгаман. Қанча миқдорда пенсия олишим керак?

Э. ХОЛЛИЕВ,
Қашқадарё вилояти,
Чироқчи тумани.

Сиз 46 йил иш стажининг 75 фоизи миқдорига эга экансиз, де-рида пенсия тайинланади.

ЭРТАНГИ кун умиди билан яшаймиз. Соғлом, баркамол авлодларни вояга етказсак, улар биз қўлга киритган мустақиллик пойдеворининг пишик, чиройли биносини қуришса деб яхши ният қилаймиз. Бугунги саҳифамиз меҳмонлари Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманидаги 134-болалар бокчаси мудир Сайёраҳон Қодирова ҳамда Тошкент вилояти мактабгача тарбия педагогика билим юрти директори Инера Сағдиевна Мағдиеваларнинг ҳам меҳнату орзу-ўйлари соғлом авлод камолотига бағишланмоқда. Болаларни дилдан севган бу онахонларнинг ҳар икковлари ҳам оддий ўқув юртини тугатгач, ишни тарбиячиликдан бошлашган ва йиллар давомида тажрибали мураббий бўлиб етишишган. Улар тез-тез учрашиб ўзаро фикр алмашиб турадилар. Бокча билан билим юрти бир маҳаллада жойлашган. Талабалар бокчада амалий машғулот ўтказишади. Болалар эса билим юртида бўладиган ҳар бир маросимда жажжи дастурлари билан иштирок этадилар. Ушбу суҳбат ҳам эртанги соғлом авлод ҳақида.

Сайёраҳон ҚОДИРОВА:— Тарбиячи агар бокчада аввало боланинг иштаҳа билан овқатланишига, завқли машғулотлар билан боланинг вақтини мазмунли ўтказишга, унинг тўйиб ўйнаб, тўйиб ухлаганига ёрдам берса, гуруҳидаги болалар соғлом, баркамол ўсади. Хуллас, тарбиячи бир дақиқа ҳам бўш турмаслиги, бутун, фикри-зикри болаларда бўлиши зарур. Бокчамиздаги тарбиячилардан худди шунини талаб қиламан. Ва шукрлар қиламан-ки, улар соғлом, юқумли касаллик йўқ. Болаларнинг бокчага қатнаш жараёни яхши. Шунинг учун ҳам Инера Сағдиевна, билим юртига қабул қилаётган ўқувчиларингизга талаб ниҳоятда кучли бўлишига тилакдошман. Буларга биринчи кун, биринчи соатларданок тарбиявий дарслар ўтиш керак-ки, келажакда меҳнатга масъулиятларини ҳозирдан ҳис этишсин.

Инера МАГДИЕВА:— Яхши фикр айтдингиз, Сайёраҳон, инобатга оламиз. Ана шунинг учун ҳам сиртки бўлимга фақат бокчада ишлаб бошлаган ва бокчанинг ишонч қозони билан келган 480 нафар кизларни қабул қилдик; Кундузги бўлимга 9 синфни битирган кизлардан 100 нафарини саралаб олдик. Уларни йўлга солиш, ўргатиш, яхши тарбиячилар етиштириб чиқариш бизнинг энг муҳим ва асосий вазифамиз. Соғлом авлод тақдирини биринчи навбатда тарбиячи боғлиқ. Эртанги тарбиячилар тарихимизни, тил ва адабиётни, санъатни, руҳиятшунослик фанини, ранг-баранг ўйинчоқлар ясашни, ашула, эртақ айтишни, жисмоний тарбия машқларини аъло даражада билишлари керак. Энг муҳими, она юрт гўзаллигини аввало ўзи ҳис қилсин. Худди шу билимлардан сабоқ бера оладиган 65 нафар тажрибали муаллимларимиз бор. Езувчи, шоирлар, рассому санъаткорлар билан ой сайин учрашувлар уюштирамизки, талабаларнинг маънавий дунёсини бойиб боради. Биласиз, 408 ўринли шинам ётоқхона, 180 ўринли ошхона қуриб ишга туширдик. Майда-чуйда аслаҳалар билан банд бўлиб ётган омборхонани таъмирлаб маданият уйига айлантирдик. Бой кутубхонамиз бор.

Ерларни кўкаламзорлаштириш, қариған дарахтлар гўласидан «қўл бола» ўриндиклар ясаш қўлимиздан келди.

Сайёра ҚОДИРОВА:— Ҳа, Инера Сағдиевна, ҳовлидаги гулзорни, чиройли бўяб қўйилган ажойиб ўриндикларни кўриб ҳавасим келди. Бозор иктивасида вақтида шунақа ички имкониятларни излаб топмаса бўлмайди.

Инера МАГДИЕВА:— Қаловини топса қор ҳам ёнади, дейдилар-ку. Биз «Чевар» устaxonасидан арзон баҳода кийкимлар сотиб олдик. Каноп фабрикасидан ип. Ана ўшалардан кизлар ўқитувчилар мураббийлигида турли сўзаналар тикиб, ўйинчоғи кўнчирчоқлар ясади. Рўмолчалар тикиди. Баҳонада хуна ўрганишди. Биз буларни сотиб, анчагина маблағ тўпландик ва билим юрт жамоаси манфаатига сарфладик. Талабаларнинг яхши овқатланиши, дам олиши, ўқиб-ўрганиб, вақтларини мазмунли ўтказишлари доимо назоратимизда. Ахир булар аввало бўлажак оналар ҳам. Еш авлод соғлиғи оналардан бошланади. Аввало тарбиячи соғлом бўлсин. Шу ўринда сиздан бир нимани сўрагим келади, Сайёраҳон. Сиз мудира сифатида бугун бокча болаларига берилаётган озик-овқат таъминотидан кўнглингиз тўладими?

БОЛА ҚАЛБИ НОДИР ДУНЁ

Сайёраҳон ҚОДИРОВА:— Туманимиз ҳокимлиги, халқ маорифи бўлими еш авлод таъминоти масаласида маблағни аямапти. Ҳар кун сут-қатик, творог, гўшт, тухум, мева-чева келтирилади. Масалан, бугун нонуштага нон, сариёғ, сутлик таом, биттадан тухум ва қаҳва бердик. Иккинчи нонуштага олма, шафтоли, баъзан эса мева шарбати ёки творог тортамиз. Тушликка эса болалар хуш кўриб ейдиган миллий таомлар — ош ёки манти, лағмон, манпар, чучвара, сомса тайёрлаймиз.

Инера МАГДИЕВА:— Кечирасизу Сайёраҳон, биз бу ерда талабаларга ҳалол, пок тарбиячи бўлиш ҳақида, болаларнинг ҳаққига хиёнат қилмаслик, болаларни ҳам шу руҳда тарбиялаш тўғрисида кўп гапирамиз. Баъзан эса «бокчада барибир болаларнинг нонини туя қилишади» деган гаплар юради. Биламан, сиз катъий талабчан, ҳалол мудирлардансиз. Лекин ошпазларнингиз-чи, сиз уларни ҳар кун назорат қилиб ўтирмайсиз-ку.

Сайёраҳон ҚОДИРОВА:— Тўғри. Менинг ошхонага бош сукаверадиган одатим йўқ. Лекин жамоадан, айниқса ошпазлардан каттик талаб қиламан. Шу эшикдан ҳар кун эрта билан «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим» деб қилиб келдингизми, кечгача соф виждон билан ишлаб, ишингиздан кўнглингиз тўлиб чиқиб кетинг» дейман. Бизнинг савобимиз, бизнинг ор-номусимиз, виждонимиз ҳам шу болалар. Боланинг ҳаққини егани бандаси кечирса, ҳам худо кечирмайди. Агар бир марта жиноятга

қўл урсангиз кейин у бора-бора тошга айланади, дейман. Боланинг ҳаёти деярлик бокчада ўтади, демек уларнинг илгини бақувват қилиш зиммасида, ишдан чарчаб қайтган эрта билан яна ишга шошиб турган оналарнинг ҳаммаси ҳам болани кўнглидагидек овқатлантиравермайди. Демак, биз уларнинг ишонч тоғлари. Шунинг учун ҳам ошпазимиз Зулхундул Бу ерда боланинг саломатлигига қараб парҳез таомлар ҳам пишириб берилади.

Шу бокчага ишга келганимга ўн йил тўлган бўлса — ҳамма вақт шундай тартиб бор. Шу йиллар ичида Инера Сағдиевна, ўзингиз кўргансиз, бокчани бутунлай қайта таъмирладик. Гиламлар, жихозлар, юмшоқ қаравотлар олдик. Бизда ҳамма болалар гилам устида ўйнайди. Мана шу йилнинг ўзида Улуғбек тумани ҳокимлиги уч ярим миллион сўмлик маблағ сарфлаб, усти ёпиқ ховуз қурдириб берди. Болалар яйраб чўмилиб, чинқишмоқда. Сузишни ўрганишмоқда. Ховузнинг суви ҳар кун ўзгартирилади. Яна биз физиотерапия хонаси очдик.

Инера МАГДИЕВА:— Боғчангиз ҳовлисига кириб борсам, дилим яйрайди. Озода, салқин, дарахтлар тартибга келтирилган. Болалар ўйнайдиган майдончалар алоҳида дид билан безатишган. Қани энди ҳамма бокчалар ҳам шундай бўлса, орзу қиламан. Менинг кизларим бу ерда таълим-тарбияни, озода-саришта бўлишни ҳам ўрганадилар. Ана шундан хурсандман.

Сайёраҳон ҚОДИРОВА:— Шунчалик эътибор берганингиз учун раҳмат! 16 йилдан бери шу ерда фаррош бўлиб ишлайдиган Чеся Комиссаровага қараб, ҳар бир касбнинг устаси бўлади, дегим келади. У тозаллаган жойлар ярақлайди. Бошқа ходимларни ҳам у тоза иш қилишга ўргатди. Барака топсин! Боғбонимиз Бўрон ака Қурбонбоев эса қўли гул инсон. Унинг ерга, гулга, дарахтга муҳаббати болаларимизда яхши таассурот қолдирапти. Демак Бўрон ака на фақат боғбон, у тарбиячи ҳам. Ахир ҳар биримиз, касбимиз қандайлигидан катъий назар ҳар қадамда тарбиячи бўлсак — ҳаётимиз гўзаллигига гўзаллик кўшилади.

Инера МАГДИЕВА:— Шу топда бир фикр келди. Сизни билим юрт талабалари учун ўтиладиган тарбиявий соатларга гоҳ-гоҳ таклиф қилсак бўларкан.

Сайёраҳон ҚОДИРОВА:— Жоним билан. Фақат мени эмас, туманимизда умуман Тошкентда тажрибали мураббийлар кўп. Уларни таклиф қилиш керак. Бўлажак тарбиячиларга диплом бериладиган кунларда ҳам биз бориб уларга инсон тарбиясидек энг масъул, энг катъиятли вазифани зиммаларига олаётганлари ҳақида айтсак, улар худди шифокорларга ўхшаб, тантанали касамед қилишса қандай яхши бўларди...

Бола чиндан ҳам нодир дунё. У билан нозик, кўнглидагидай муносабат ўрната олган, унинг кўнглида нима борлигини англашга, ҳис этишга қодир инсонгина яхши тарбиячи бўла олади.

Санъат МАҲМУДОВА.

ТАБИАТГА ЖАВОБГАРМИЗ

Бир воқеани эсласам ҳамон юрагим эзилб кетади... Октовнинг хушманазара бағрида жойлашган Тарикпоя қишлоғидаги ачинарли ҳолни сизга ҳам айтсаму вужудимни эзаётган юқдан енгил тортсам. Шу қишлоқлик Бахтиёр исмли йигит қопқон қўйиб гепард тутибди. Уни дарахтга шохига осиб қў-

йиб, жон талвасада типирчилаётганини томоша қиларди. Мен буни кўриб титраб кетдим-да, камёб ҳайвонни нега овладинг, нега азоблайсан? дея сўрадим. «Сизнинг нима ишингиз бор, — деди у совуқгина, — ов — менинг шахсий ишим. Қолаверса, битта гепард билан ҳайвон зоти қуриб кетармиди?»

Оддий чўпон йигитидаги

табиатга, жониворларга нисбатан тошбағирлик мени ташвишга солди. Наҳотки уларга бу ажойиб оламу ҳайвонотга меҳр-шафқатни ўрнатишнинг имкони ва иложи бўлмасми?

Сув — ҳаёт манбаи. Хатирчи туманидаги Аҳмад Ерлақабов номли, Абу Али Ибн Сино номли, «Ўзбекистон», Карл Маркс, Мирзо Улуғбек номли жамоа хўжалиқларининг аҳоли пунктларидан Тос каналининг

суви тобора саёзланиб ифлосланиб бораётгани ачинарлидир. Бу оқар сувдан одамлар ичимлик суви сифатида фойдаланишади. Табиатни тоза сақлаш, унга меҳр-муруватли бўлиш одамларга нисбатан ҳурматимиз эмасми? Она Ер савобатини чуқурроқ англаб етмоқ бизнинг чин инсоний бурчимиздир.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
Навой вилояти
Хатирчи тумани «Оқ олтин»
жамоа хўжалиги.

● Газетага 1991 йил 8 январда Ўзбекистон Матбуот Давлат қўмитаси томонидан 00068 рақамли гувоҳнома берилган.
● Офсет усулида босилди.

◆ Формати А-3 ҳажми 2 босма табоқ.
● Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамаси Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ»

◆ нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
● Буюртма Г-556 1 2 3 4 5 6

Ишонч

БОШ МУҲАРРИР
ТЎЛҚИН ҚОЗОҚБОВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акmal АҚРОМОВ
(бош муҳаррир муовини),
Абдуманноп АЛИМБОВ,
Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ,
Турғунбой МАДИЕРОВ,
Турғун НАЗАРОВ
(масъул котиб),
Абдурасул РЎЗМАТОВ,
Саминжон СУЛТОНОВ
(вилоят муҳбири),
Муҳайё ТЎЛАГАНОВА,
Шабот ХЎЖАЕВ,
Санобар ХЎЖАЕВА.



● Бош муҳаррир қабулхонаси 56-25-36
● Бош муҳаррир муовини 56-52-89
● Масъул котиб 56-52-78

БЎЛИМЛАР

● Касаба уюшмалари, социал адолат, иқтисодий ҳаёт — 56-82-79.
● Маданият, маънавият ва хатлар 56-87-78, 56-87-63.
● Муҳбирлар билан ишлаш — 56-82-79
● Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43

ВИЛОЯТЛАРДАГИ

МУҲБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Андижонда — 5-32-24;
Бухорода — 3-50-10
Гулистонда — 2-10-02;
Жиззахда — 2-31-41;
Навоийда — 3-52-99;
Наманганда — 6-22-10;
Нукусда — 4-19-97;
Самарқандда — 35-64-22;
Термизда — 2-70-07;
Тошкентда — 56-87-95;
Фарғона — 4-28-29
Урганч — 6-03-40
Қаршида — 5-33-71;

● Муҳарририятга келган қўл-ёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтариладими, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят вазифачилик қилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

● Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.



Сотувдаги нархи 15 сўм.

● ШАНБА кунлари чиқади.

● БОСИШГА 1 октябрда топширилди.

● Навбатчи масъуллар:

Турғун НАЗАРОВ,
Тожибой АЛИМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

● 63750 нусхада босилди.

● Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.